

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**  
**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ**

**АХБОРОТ ХАТИ**

Республика тарихчи олимлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 13 февралдаги “Вазирлик тизимидаги Олий таълим муассасаларида 2017 йилда ўтказиладиган илмий анжуманлар режасини тасдиқлаш тўғрисида” ги 86-сонли буйруғи асосида **2017 йил 27 май куни “Хорижий Шарқ мамлакатлари тарихий жараёнлари ва уларни ўрганишнинг долзарб муаммолари”** мавзусида Вазирлик миқёсида илмий-амалий конференция ўтказилади.

Конференция Тошкент давлат шарқшунослик институтининг Хорижий мамлакатлар тарихи кафедраси ташаббуси билан ташкил қилинмоқда.

Конференция шўъбаларида қуйидаги масалалар муҳокама қилинади:

1. Хорижий Шарқ мамлакатлари тарихи ва тарихшунослигининг илмий-назарий ҳамда услубий масалалари
2. Хорижий тиллардаги манбаларда Шарқ мамлакатлари тарихининг ўрганилиши
3. Шарқ мамлакатларининг ривожланиши тарихи масалалари
4. Ўзбекистон Республикасининг хорижий Шарқ мамлакатлари билан ҳамкорлик алоқалари тарихи

Конференция бўйича маърузалар тўплами учун **мақолалар 2017 йил 20 апрелга қадар Times New Roman 14 шрифтида, 4 бетдан 8 бетгача қоғоз ва электрон нусхада, имло ва баён услуби тўғриланган ҳолда қабул қилинади. Саҳифа А-4 форматда юқоридан 2, чапдан 3, ўнгдан 1,5, пастдан 2 см қолдириб, сатрлар оралиғи 1,5 интервал қилиб шакллантирилсин.**

Муаллифнинг исми, фамилияси, илмий даража ва унвони, иш жойи, телефон рақами ва электрон почтаси сарлавҳа остида тўлиқ кўрсатилсин.

Мақола нашр харажатлари учун ҳар бетига 8 000 сўмдан нақд тўлов билан бирга қабул қилинади. Уларнинг мазмун ва савияси бўйича танлаш ҳуқуқини ўзимизда сақлаймиз. Мақоладаги факт ва рақамларнинг тўғрилиги учун муаллифлар жавобгар. Кўрсатилган муддатдан кечиктирилган ва талабларга жавоб бермайдиган материаллар тўпламга киритилмайди.

Манзил Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 16-уй, 2-қават, 207-хона.  
Мўлжал: Ойбек ва Минг ўрик метро бекатлари ёни. Тел: (8 371) 256 75 87, +99897 450 27 25, электрон почта [avgust-4@mail.ru](mailto:avgust-4@mail.ru)

Тошкент давлат шарқшунослик институти  
Хорижий мамлакатлар тарихи кафедраси